

XX аср ўзбек болалар ада-биётиюшг тараккиётiga муносиб хисса кўшган адиблардан бири шоир Кудрат Хикматдир. У 1925 йили Тошкентнинг энг кадимги маҳаллаларидан бири Себзорда таваллуд топади. Онаси Муборак ая эрта казо этади (1934). Унинг отаси оддий дехкончилик, хунармандчилик билан шугулланади. Ўзи эса 1934 йилда ўрта мактабга кириб, уни 1944 йилда тугатади.

Шоир сифатида мактаб деворий газеталарида кўрина бошлайди, Унга Куддус Мухаммадий, Опбек каби устозлар меҳрибонлик кўрсатишади. 1945 йилдан бошлаб Кудрат Хикмат шеърлари «Ленин учкуни», «Ёш ленинчи», «Кизил Ўзбекистон» рўзномаларида, «Пионер» («Гулхан»), «Шарқ ўлдузи» каби ойномаларда чоп этилади.

1947 йилга келиб машхур баҳши Ислом шоир Назар ўглига адабий котиб сифатида хизмат этиши ундаги шеъриятга бўлган интилишини янада камол топишига олиб келади. У «Ленин учкуни», «Ёш ленинчи» рўзномалари ва «Ёш гвардия» нашриётларида фаолият кўрсатади. 1957 йилда Тошкент Давлат кечки педагогика олий билимгохини тугатади. Унинг биринчи шеърий тўплами «Менинг ватаним» 1950 йилда нашр этилади. Шундан сўнг унинг «Бахти болалар», «Тинчлик—ободлик», «Москвага саёҳат», «Дўстлик», «Уч ўртокнинг совгаси», «Набира меҳри», «Онахоним», «Алишер ва китоб», «Тошбакалар хужуми», «Соатжоннинг соати» каби ўнлаб шеър гулдасталари хамда «Чирчик фарзанди» каби поемаси ва «Илон шох ва унинг амалдори Ари хакида эртак»лари яратилди.

У кайси мавзуда, кайси жанрда калам тебратмасин, энг муҳими, меҳнаткаш, халол, топкир ва чопкир болалар дунёсини кашф этишга интилади. Шунингдек, дўстлик, тинчлик, ўзаро бирдамлик, Она Ватанин севиш, уни ардоклаш сари даъват этади. Унинг шеърларидаги болаларча самимийлик, бегуборлик ва тўгрилик шоир асарларининг ўкишли, кизикарли бўлишини таъминлайди.

Кудрат Хикмат мохир таржимон сифатида С. Маршак, С. Михалков, А. Сурков, М. Бажан, А. Барто каби атокли адибларнинг болаларбоп шеъриятини ўзбекчага агадарган.

У 1968 йил оғир бетобликтан сўнг 43 ёшида вафот этган.